

*Илҳом СОБИРОВ*

*БАҲМОДИ  
БҰЛЫЖА...*

*Шеърлар*



«ФАРГОНА» НАШРИЁТИ  
**HASORAT НУСХА**

«ФАРГОНА» нашриёти  
2012 йил

УДК: 821.512.133-1

КБК: 84. (5Ў) 7

C74

Узб. суроҳ.


Собиров, Илҳом.

Бахтли бўлинг: шеърлар/ И.Собиров – Ф:  
«Фарғона» нашриёти, 2012. – 32 б.

Ошиқ юрак кўн нарсага қодир. Ҳатто муҳаббатига  
жавоб қайтармаган суюклисига баҳт тилашга ҳам. Маз-  
кур тўплам муаллифининг лирик қажрамони шундай кенг  
қалбга эга. Қаламкашнинг диг изҳорларида ишқий оҳанглар  
етакчилик қиласди. Лекин бошқа одатий мавзулардаги, бир  
қарашда анчайин содда шеърларда ҳам ўзгача ҳарорат,  
дарёчилик сезилиб туради.

УДК: 821.512.133-1

КБК: 84. (5Ў) 7



ISBN 978-9943-349-26-1

© «ФАРГОНА» нашриёти, 2012  
© Илҳом Собиров

2013/8  
A 469

Alisher Navoiy  
nomidagi  
O'zbekiston MK

40638  
HD O

## ВАТАН

Сен мен учун жонимдан ортиқ,  
Нурларингдан чароғон борлиқ,  
Бахтим фақат ўзингга боғлиқ,  
Монанди йўқ азиз ватаним,  
Жанатмакон, гулгун чаманим.

Яратганнинг меҳри тушган юрт,  
Дўстим, гардин кўзларингта сурт,  
У тинч бўлса, кўнглимиз ҳам бут,  
Монанди йўқ азиз ватаним,  
Жанатмакон, гулгун чаманим.

Еткизолмас ёмонлар зиён,  
Алиомишдай ўғиллар қалқон,  
Кексалари дуода ҳар он,  
Монанди йўқ азиз ватаним,  
Жанатмакон, гулгун чаманим.

Дарёларинг шаркираб оқар,  
Ҳаноларинг дилларга ёқар,  
Дунё сенга ҳавасда бокар,  
Монанди йўқ азиз ватаним,  
Жанатмакон, гулгун чаманим.

Жамолингни очди истиқтол,  
Муқаддассан, буюқ, безавол,  
Доим шундай гўзал бўлиб қол,  
Монанди йўқ азиз ватаним,  
Жанатмакон, гулгун чаманим.



## **ТИНЧЛИК МАДХИ**

Шаҳару қишлоқлар кундан-кун обод,  
Кўз қувнар боғларнинг тароватидан.  
Самоларда кушлар чарх урап озод,  
Барчаси тинчликнинг шарофатидан.

Элим янги-янги зафарлар қучар,  
Буюк келажакка бормоқда илдам.  
Истиқболи порлок режалар тузар,  
Юргим аҳли яшар тутув ва бирдам.

Кексалар чин дилдан айтар шукронга,  
Ёшлар нигоҳида ишонч, қатъият.  
Шундай осойишта, бахтли замона,  
Албатта ушалур ҳар яхши ният.

Тилимдан кўймасман тинчлик мадхини,  
Баралла куйлайман билмасдан ҳадик.  
Ватандош, кел, англаб унинг қадрини,  
Улуғ йўлда кўлни қўлга берайлик!..



## ЯХШИЛАР

ЗАҚМАТЛИДИР УМР ЙҰЛЛАРИ,  
ГУЛ, ТИКАНЛИ ҮВГУ СУЛЛАРИ,  
АДАШСАМ ГАР, ТУТИБ КҮЛЛАРИМ,  
МІСІНГА МАДАД БЕРАР ЯХШИЛАР.

КУЗЛАРЫМНИ ЁШЛАБ ГОҚО ГАМ,  
ГАСКИН ТОПА ОЛМАСАМ ҲЕЧАМ,  
ОЙДИН ЭТИБ КОРОНҒУ КЕЧАМ,  
ХОЛИМ СҮРАБ КЕЛАР ЯХШИЛАР.

ЕТИБ ТАҚДИР ТАЙИН ЭТТАН ВАКТ,  
МАНГЛАЙИМДАН ЎПСА ОМАД, БАХТ,  
ШУНДАЙ ХУРРАМ КУНЛАРИМ АЛБАТ  
ЧИНДАН КУВНАБ, КУЛАР ЯХШИЛАР.

ЯХШИЛАРГА КҮЙДИМ МЕН ИХЛОС,  
БУ –ҚАЛБИМНИҢ БОЙЛИГИДИР, РОСТ,  
ДУНЁ ТОМИН, УСТУНЛАРГА ХОС  
МАНГУ ТУТИБ ТУРАР ЯХШИЛАР!



## **УСТОЗЛАРГА КУТЛОВ**

Бошин силаб, севиб ҳар бир болани,  
Илм бериб, танитган оқ-қорани,  
Ҳатто ўрнин босган ота-онани,  
Байрамингиз қутлуғ бўлсин, устозлар,  
Йўлларингиз нурга тўлсин, устозлар.

Жавобини айтган, берсак не савол,  
Эркалансак, сира олмаган малол,  
Бизларни деб меҳнат қилдингиз ҳалол,  
Байрамингиз қутлуғ бўлсин, устозлар,  
Йўлларингиз нурга тўлсин, устозлар.

Камолимиз чин дилдан хоҳладингиз,  
Кўзларимиз очди сабокларингиз.  
Улуг, юксак номингиз оқладингиз,  
Байрамингиз қутлуғ бўлсин, устозлар,  
Йўлларингиз нурга тўлсин, устозлар.

Қабул айланг самимий изҳоримни,  
Сизларга бахш этсан дейман боримни,  
Мадҳингизда чERTдим кўнгил торимни,  
Байрамингиз қутлуғ бўлсин, устозлар,  
Йўлларингиз нурга тўлсин, устозлар.



## **БОЛАЛИК**

Болалик, бағрингга қайтгим келяпти,  
Сенга дардларимни айтгим келяпти.

Юрган йўлларингдан юра олсайдим,  
Терган гулларингдан тера олсайдим.

Ўйин завқи билан андармон эдинг,  
Канчалар бегубор, беармон эдинг.

Эртаклар тинглардинг чиндан ишониб,  
Саволлар берардинг кўзларинг ёниб.

Покиза. нигоҳинг соғиндим жуда,  
Лекин, не иложки, бари бехуда.

Орамизга йиллар кўйдилар тўсик,  
Сен-мен куйлаб бўлган энг нурли қўшик.

Гоҳо юрагимда қоласан янграб,  
Тасалли топаман овозинг тинглаб.

Демак, ҳамроҳимсан менинг доимо,  
Эй, болалик номли энг гўзал дунё...



## **ЭНДИ СИЗНИ...**

Қолдирдингиз мени ҳижрон фаслида,  
Азоб чекдим изгиринлар дастидан,  
Сизда юрак йўқ экан, ох, аслида,  
Энди сизни ўйлашдан ор этарман,  
Кўчангизга йўлашдан ор этарман.

Ваъдасидан осонгина кечган киз,  
Бойваччанинг бойлигига учган қиз,  
Ошиғинмас, мол-дунёни кучган қиз,  
Энди сизни ўйлашдан ор этарман,  
Унутмоққа азму қарор этарман.

Жигар-багрим эзив кетган бевафо,  
Мағрур бошим эгиб кетган бевафо,  
Дилга оғриқ экиб кетган бевафо,  
Энди сизни ўйлашдан ор этарман,  
Севганимни ҳатто инкор этарман.

Фақат бир кун излаб қолманг изимни,  
Ярам битмас, оғритдингиз ичимни,  
Бахтли бўлинг, буза кўрманг тинчимни,  
Энди сизни ўйлашдан ор этарман,  
Бир вафоли дилдорни ёр этарман...

## БАХТЛИ БҮЛИНГ...

Дардларимга даво берар вақт,  
Азобларим топар нихоя.  
Бахти бўлинг, сиз, гулим, факат,  
Менга шунинг ўзи кифоя...

Қанча йиллар ўтса-да, бирок  
Унутмасман жамолингизни.  
Қалб уйимга этарман чирок  
Сизнинг ойдин хаёлингизни.

Ҳеч ишонгим келмайди, наҳот  
Эсламайсиз мени бир бора.  
Қуiplар каби, коқканча қанот  
Ўша кунлар қайтсайди зора...

Бефойдадир бу ўй, хомхаёл,  
Ортга қайтмас умр-бир дарё.  
Не бўлса ҳам сиз топинг иқбол,  
Кўнглим ичра шу бир муддао...



## СЕВГИ ШАРТИ

Севги недир, севган билар,  
Азобини чеккан билар.  
Висол куттан юрагига  
Хижрон ўқи теккан билар.

У тунлари айлаб бедор,  
Жисму жонни этар бемор,  
Тақдир кулиб боқмаса гар,  
Қанчалаб ох урма, бекор.

Агар севгинг бўлмаса чин,  
Синовларга чидаш қийин.  
Сабр қилсанг, ёрнинг васли  
Бир кун насиб этар, тайин.

Тўсикларнинг енгар барин  
Ошиқларнинг асл, марди.  
Фидойилик, жасоратдир  
Бу дунёда севги шарти.



## КИМНИ КУТИБ ЯШАЯПСАН...

Ихтиёриң менга бермадинг нечун,  
Юрагимда сира ечилемас тугун,  
Билолмасдан дөгман, энди сен бугун  
Кимни кутиб яшаяпсан, эй дилдор?!.

Қай осмонда қалб қүшинг этар парвоз,  
Үзгани деб, наҳот, киласан пардоз,  
Қани ўша сехр, карашмаю ноз,  
Кимни кутиб яшаяпсан, эй дилдор?!.

Кутмоқдаман, баҳорлар ўтиб борар,  
Зилол сувли анҳорлар ўтиб борар,  
Пайқамасман, дилдорлар ўтиб борар,  
Кимни кутиб яшаяпсан, эй дилдор?!.

Дардларимга даво топилса зора,  
Севдим, аммо севилмадим, начора,  
Бунга қандок чидайин мен бечора,  
Кимни кутиб яшаяпсан, эй дилдор?!.



## ОРЗУ

Кўз олдимда юксак бир чўкки,  
Истайманки, уни забт этсам,  
Устозларнинг сабоғин укиб,  
Ёдда қолар сатрлар битсам.

Заҳматларни енгишга шайман,  
Мавж уради қалбимда ҳавас.  
Мен ҳаётни севиб яшайман,  
Уни ёниб куйламай бўлмас.

Мафтун бўлиб сўзнинг сехрига,  
Гулшанига кўйяпман қадам.  
Лойик топса эл ўз меҳрига,  
Мен-дунёда энг бахтли одам.

Қаламим, кел туйғуларимни  
Қилақолгин равон ифода.  
Тезроқ кучай орзуларимни,  
Номим қолсин ёруғ дунёда..

## ЁШСИЗ ДЕМАНГ...

Сизни севиб қолдим, десам гар,  
Хали жуда ёшсиз-ку, деманг.  
Тингламасдан сузим, ёш бошим  
Савдоларга гирифтөр этманг.

Ёш бүлсам-да, бебош эмасман,  
Қалбимдаги мұхаббитим чин.  
Илончингиз қозонмоқ учун  
Айтинг, ахир, нелар қилайин.

Вужудимни қоплар аланга  
Жамолингиз күрганим захот.  
Еш умримни хазон этишдан  
Құркмайсизми заррача, наҳот?!

Ёшсиз, дея ўтказиб йиллар,  
Охир қаддим дол этиб қўйманг.  
Қабул қилинг дил изҳоримни,  
Бўлди, етар, бағримни ўйманг...



## **БИР КУН...**

Умид билан битаман мактуб,  
Зор-интизор жавоб кутаман.  
Қилолмайди хижронлар мағлуб,  
Бир кун кўлингизни тутаман.

Сизга атаб тераман гуллар,  
Қанча йўллар босиб ўтаман.  
Ҳамроҳимдир гўзал туйғулар,  
Бир кун кўлингизни тутаман.

Банддан озод бўлган қуш каби  
Қанот қоқиб қўкка етаман.  
Оғир дамлар утар туш каби,  
Бир кун кўлингизни тутаман.

Юзингизни эслатган ойни  
Сирларимга ошно этаман.  
Ёрим этиб сиз гулчиройни,  
Бир кун кўлингизни тутаман.



## ГУЛИМ

Гарчи ҳаёт номли боғдаман, гулим,  
Сенга қўлим етмай, доғдаман, гулим,  
Олис-олисларни этибсан макон,  
Гўё сен кўқда, мен чоҳдаман, гулим.

Дунёда барчага севган гули ёр,  
Менинг юрар йўлим эса тиканзор,  
Тилагим, бошингдан баҳор кетмасин,  
Мудом япна, сўлиб қолмагин зинҳор.

Саболар сен ҳақда сўзлар ҳикоя,  
Мен учун уларни тинглаш кифоя.  
Армоним чўкмокда қалбим тубига,  
Бошимга булутлар ташлайди соя.

Ўзга гулга назар ташлагим келмас,  
Ҳеч бири гулимдай мафтункор эмас,  
Аммо унга сира қўлим етмайди,  
Фироқда яшашга тоқатим етмас...



## **АНХОР**

Анҳор оқар ўйнаб, мавж уриб,  
Сувида соч ювар мажнунтол.  
Бундай ажиб тасвирни кўриб,  
Мени олиб қочади хаёл.

Қачонлардир шу шўх анҳордай  
Силар эдим унинг соchlарин.  
Бугун қисмат берган озордан  
Анҳор бўлди кўзим ёшлари.

Шум янгалар ёр-ёр айтишиб,  
Юрагимни эзib кетдилар.  
Аламимга минг алам кўшиб,  
Мажнунтолим кесиб кетдилар.


Анҳор, мендай армонда қолма,  
Ёмонлар кўп дунёда бешак.  
Сочларини силашдан толма,  
Мажнунтолинг асрагин сергак.

### АХИР НЕЧУН ...

Ҳар бир ўтган дақиқа  
 Титроқ солади дилга.  
 Бугун ёшмиз, эртага  
 Қоматимиз эгилган.  
 Ортимизга қайтишга  
 Барча йўллар беркилган.  
 Ахир нечун одамга  
 Умр қисқа берилган...

Йил кетидан йилларни  
 Бир-бир кутиб оламиз.  
 Кўзни очиб-юмгунча  
 Улғаяди боламиз.  
 Ҳатто канча ишларга  
 Улгурмай ҳам қоламиз.  
 Ахир нечун одамга  
 Умр қисқа берилган...

Кўп ўйлаб, бу саволга  
 Жавоб топдим ниҳоят.  
 Ганимат дамларимиз  
 Юксак қадрлаб ғоят,  
 Шошилмоқ, яхшиликни  
 Қилмок керакдир одат.  
 Шунинг учун одамга  
 Умр қисқа берилган...





## ОНА-БОЛА СУҲБАТИ

*Ҳазил*

— Кўзим қароги, ўғлим,  
Камолингдан ўргилай.  
Биргина ниятим бор,  
Сенга тезрок тўй килай.

— Мен розиман, онажон,  
Қайтармасман сўзингиз.  
Ўғлингизга муносиб  
Қиз топингиз ўзингиз.

— Айт, қандай келин излай,  
Юзлари ой қизними?  
Ва ёки аслзода,  
Таг-тугли, бой қизними?

— Гўзал, шириңсўз бўлсин,  
Мол-давлати керакмас.  
Яна қоп-қора сочи  
Товонини ўпса бас.

— Ох, бугуннинг қизлари  
Сочин қиркиб олган-ку.  
Сен айтган сумбулсоchlар  
Эртакларда қолган-ку...

— Она, айтган қизимни  
Қанча бўлса кутаман.  
Агар у топилмаса  
Үйланмасдан ўтаман...

## ҚАРАМАСАНГ, ҚАРАТАМАН

Күчамиздан ўтиб борар бир пари,  
Мағрур қадам ташлаб, боқиб илгари,  
Хатто бир бор назар килмас биз сари,  
Эй нозанин, бу нозларинг ажабдур,  
Карамасанг, қаратаман, қараб тур.

Атринг бўйи урилади димокқа,  
Лаб бурасан, чоғлансан сўз демокқа,  
Хоҳишинг йўқ ёнингга йўл бермоққа,  
Эй нозанин, бу нозларинг ажабдур,  
Карамасанг, қаратаман, қараб тур.

Ахир, аён, кўнглингдан олганман жой,  
Тушларингта ҳам киарман, ҳойнаҳой,  
Ёқарми ё бағрим ёниб, десамвой,  
Эй нозанин, бу нозларинг ажабдур,  
Карамасанг, қаратаман, қараб тур.

Юрагимга энг буюк севги жодир,  
Мендай ошиқ ҳар қандай ишга қодир,  
Ниятимга шаксиз етаман охир,  
Эй нозанин, бу нозларинг ажабдур,  
Карамасанг, қаратаман, қараб тур.



## ЮРАК ҚОЛДИ

Имкон опмай, тақдирга күнди,  
Орзу-умид учкуни сүнди,  
Ҳасратларга лиммо-лим тұлди,  
Юрак қолди йиғлаб, бечора...

Биз күттән күн күрсатмади юз,  
Йұлларимиз қоплаб олди муз,  
Пөрламади баҳт номли юлдуз,  
Юрак қолди йиғлаб, бечора...

Айирдилар бизни ёмонлар,  
Үртамизга солиб ҳижронлар,  
Қанча ёниб, килиб исәнлар,  
Юрак қолди йиғлаб, бечора...

Лойиқ сүз йүк бермоққа таскин,  
Хаёт, хукминг бунчалар кескин,  
Унутмоққа маңкумми секин—  
Юрак қолди йиғлаб, бечора...

## МАРГИЛОНЛИК ҚИЗЛАР

Маргилонлик кизлардан ой ҳам хусн талашар,  
Сарвдек қадларига атлас күйлак яратар,  
Үтсалар күчалардан, яшнаб кетар чор тараф,  
Бўз йигитлар кўзлари қамашганча қарашар.

Қўли гул моҳир чевар, улдабурон ҳар ишда,  
Жўш уради ғайрати, саранжому саришта,  
Ибоси, одобини таърифлашга тил ожиз,  
Гўёки самолардан тушиб келган фаришта.

Онаю отасига жон ичра жон фарзанддир,  
Униб-ўсган уйига бир гул каби пайванддир,  
Пайти келиб ёрининг богига кўчганда ҳам  
Гўзал сабри туфайли толеи сарбаланддир.

Ўзбегим гўзалларин эгнида ёнар атлас,  
Йигитларнинг кўксига аланга солар атлас,  
То уни киярканлар Маргилоннинг қизлари,  
Сехри, жилваси билан кўзларни олар атлас...



## **ДЎСТ ҲАҚИДА**

Садоқатли дўст ҳам бир давлат,  
Тақдирнинг энг улуғ тухфаси.  
Эй биродар, бошинигта ҳеч вақт  
Ёлғизликдек савдо тушмасин.

Дўстинг асра худди кўзингдай,  
Тилагини сўзсиз эт бажо.  
Баҳраманд қил нону тузингдан,  
Ёрдамингни аяма асло.

Захматлрга дуч келсанг ногох,  
У ҳам сенга беради нажот.  
Қайтар дунё, дерлар, бўл огоҳ,  
Яхшиликка бордир мукофот.

Ҳаёт ширин, гўзалдир дунё  
Унинг меҳру диёнатидан.  
Барчамизни асрасин Худо  
Бевафо дўст хиёнатидан...

## ДУНЁ ИШИ БИТМАС...

Дунё ўткинчи-ю, битмас ишлари,  
Кунни кеч қиласиз елиб-югуриб.  
Елдай учар йилнинг ёзи, қишлари,  
Барча юмушга ҳам бўлмас улгурниб.

Ҳеч қачон, камимиз тўлди, демаймиз,  
Ҳаёт жилвасига кўзимиз тўймас.  
Энди тин оламан, бўлди, демаймиз,  
Кўнгил неларнидир исташин кўймас.

Бир оғиз ширин сўз, эътибор кутиб  
Атрофга жавдираб қоламиз гоҳо.  
Мехр бермоқликни, лекин, унутиб  
Юрганимиз ўйлаб кўрмаймиз асло.

Бас энди, ғафлатдан уйгонгин, эй дил,  
Дунё шу-барибир тугамас юмуш.  
Кўпроқ савоб ишлар қилишга интил,  
Ўтиб кетмасидан умр гўё туш...



## **БЕГОНА БЎЛДИКМИ...**

Ой мисоли тўлдикми, айтинг,  
Ёки гулдек сўлдикми, айтинг,  
Йиғладикми, кулдикми, айтинг,  
Биз бегона бўлдикми, айтинг.

Ўзга ёрга чалиб созингиз,  
Сўйладингиз кўнгил розини из,  
У эканми сизнинг мосингиз,  
Биз бегона бўлдикми, айтинг.

Тақдир дедик, кўндинк индамай,  
Лекин юрак ҳар дам инграгай,  
Фарёдини ким ҳам тинглагай,  
Биз бегона бўлдикми, айтинг.

Сира қойил эмасман сизга,  
Ваъдаси пуч, бағритош қизга,  
Ачинмасдан ўз севгимизга,  
Биз бегона бўлдикми, айтинг...

## ОМАД БЕРСИН

Аrimасин юзлардан нурли табассум, кулгу,  
Тарк қылсın юракларни мангуга алам-қайғу,  
Болдай шириң ошига тушмасин аччик оғу,  
Бу дунёда хар кимнинг омадин берсин дейман.

Инсон ҳаётта келар фақатгина бир бора,  
Аламдир, ташвишларга тополмай ўтса чора,  
Тақдир фақат шодлик, баҳт ато этсайди зора,  
Бу дунёда хар кимнинг омадин берсин дейман.

Кўнгиллар ичра бисёр турфа хил орзу-хавас,  
Ҳатто фурсат топилмас ростлаб олмокса нафас,  
Қай манзилга интилсак, унга ета олсак бас,  
Бу дунёда хар кимнинг омадин берсин дейман.

Ором нелигин билмай омадимни изладим,  
Умидим бор, албатта ёргуғ бўлар кисматим,  
Зотан ўзгаларга ҳам яхшиликлар истадим—  
Бу дунёда хар кимнинг омадин берсин дейман.



## ОҚШОМ

Оқиста чүкди оқшом,  
Ой нурин түкди оқшом,  
Сени эслатиб, қалбим  
Чокини сүкди оқшом.

Юлдузларга боққанча,  
Согинч бағрим ёққанча,  
Сассиз йигларман, хаёл  
Дарёсида оққанча.

Күринмайды күз ёшым,  
Метин экан бардошим,  
Яшаяпман, менга нур  
Сочмаса-да күёшым...

Жонимдан килдинг безор,  
Менда нима қасдинг бор,  
Юзи ойдай малакни  
Оқшом, эслатма зинхор...

## ЎЗГАНИНГ ЧИРОГИ

Япроқлар чангини ювади ёмғир,  
Лекин юва олмас дилдан ғуборим.  
Буни тан олмоқлик жудаям оғир,  
Хузуримга кайтиб келмайди ёрим...

Қанча порламасин осмонда офтоб,  
Бағрим иситолмас бир заррача ҳам.  
Отапин ишқимга бермасдан жавоб,  
Зартарга сотилди күнгли муз санам.

Юзим силайверма, майин шаббода,  
Таскин беролмайсан менга барибир.  
Ғамимдай улуғ ғам йўқдир дунёда,  
Силолмайман унинг соchlарин ахир...

Чироқ ёққан билан ичим ёришмас,  
Қийнар ул гўзланинг мангу фироги.  
Ҳеч қачон мен томон ёғдуси тушмас,  
У – энди ўзганинг ёнган чироги....



## КҮЗЛАРИДА ЁШ КҮРМАЙ...

Мехру мұхаббатнинг бокий тимсоли,  
Аёлдир ҳаётнинг күркү жамоли.

Ҳар йили заминга қайтади такрор,  
Унинг гулдай юзин согиниб баҳор.

Борликни ўзига қаратади у,  
Дунёнинг эртасин яратади у.

Кудратда тенгсиздир нозик қўллари,  
Офтоб нуридан-да ёргуғ ўйлари.

Қай бир юртди аёл этилса эъзоз,  
Буоқлик, юксаклик унга бўлар хос.

Асло кўзларида ёш кўрмай дейман,  
Таърифини тилдан ҳеч кўймай дейман.

Аёлни бир умр куйламоқ—аҳдим,  
Бу мен учун шараф, энг олий бахтдир!

## **БАҲОР ЗАВҚИ**

Эритиб муз, қорларни,  
Тўлдириб анҳорларни,  
Ювиб гард-озорларни,  
Баҳор келди, қандай соз!  
Оlam янгиланди, рост!

Хуш ёқар офтоб нури,  
Шўх кушларнинг чуғури,  
Боғлар – кўнгил хузури,  
Баҳор келди, қандай соз!  
Оlam янгиланди, рост!

Моҳир чевардир бирам,  
Тўқиб ям-яшил гилам,  
Борлиққа ёйди илдам,  
Баҳор келди, қандай соз!  
Оlam янгиланди, рост!

Тошар завқу севинчим,  
Йўқдир ҳаловат, тинчим,  
Қабул қилиб ўтингчим,  
Баҳор келди, қандай соз!  
Мен ҳам янгиландим, рост!



## **КУЛИБ ТУРИБ**

Ич-ичимдан чикар ғалати титроқ,  
Бирөвга сездирмай юраман бирок,  
Дардимни англамас ҳеч бир дўст-ўртоқ,  
Чидайман барига жим кулиб туриб.

Ухлолмай, тўлғониб чиқаман тунлар,  
Балки келар дея мен кутган кунлар,  
Теграмда тинмайди бир дам қуюнлар,  
Чидайман барига жим кулиб туриб.

Оллохим, тўғри йўл кўрсатгин менга,  
Ёлбориб илтижо қиласман сенга,  
Одамлар ғийбатим қиласлар нега,  
Чидайман барига жим кулиб туриб.

Омадли инсонга ҳasad қилмайман,  
Ўзимга ҳам мудом омад тилайман,  
Синов, заҳматларни кўзга илмайман,  
Чидайман барига жим кулиб туриб.

## Мундарижа

<i>Ватан</i> .....	3
<i>Тинчлик мадҳи</i> .....	4
<i>Яхшилар</i> .....	5
<i>Устозларга құтлов</i> .....	6
<i>Болалик</i> .....	7
<i>Энди сезни</i> .....	8
<i>Бағытли бүлінг</i> .....	9
<i>Севги шарти</i> .....	10
<i>Кимни кутиб яшаяпсан</i> .....	11
<i>Орзу</i> .....	12
<i>Ёшсиз деманғ</i> .....	13
<i>Бир күн</i> .....	14
<i>Гулім</i> .....	15
<i>Аңзор</i> .....	16
<i>Ахир нечүн</i> .....	17
<i>Она-бала сұхбати</i> .....	18
<i>Қарамасанғ, қаратаман</i> .....	19
<i>Юрак қолди</i> .....	20
<i>Марғилонлық қызлар</i> .....	21
<i>Дүст ұқыда</i> .....	22
<i>Дүнә иши биттас</i> .....	23
<i>Бегона бүлдикми</i> .....	24
<i>Омад берсін</i> .....	25
<i>Оқшом</i> .....	26
<i>Үзганинг чироги</i> .....	27
<i>Күзларида ёш күрмай</i> .....	28
<i>Бағор завқи</i> .....	29
<i>Кулиб туриб</i> .....	30

Адабий-бадиий нашр

ИЛҲОМ СОБИРОВ

**БАХТЛИ БЎЛИНГ**  
*Шеърлар*

Муҳаррир *A. Содиқов*

Техник муҳаррир *У. Жабборов*

Саҳифаловчи дизайнер *О. Фазилова*

Нашриёт лицензияси AI № 162 . 08.14. 2009 й.  
Теришга 30.05.2012 й. да берилди. Босицгага рухсат 15.06.2012 й. да  
этиди. Бичими 84x108  $\mu_{32}$ . Офсет босма «Times» гарнитураси  
Шартли б.т. 2,25 Нашр-хисоб т. 2,0 Адади 1000 нусха.

Буюртма №34

«ФАРГОНА» нашриёти.  
150114, Фарғона шаҳри, Соҳибқирон Темур кӯчаси, 28

«SIRIUS-MEDIA» МЧЖ босмахонаси  
100100, Тошкент шаҳар, Бобур кўчаси 4  
Лиц. № 10-2454. 2011 йил 16 май